

НАВОИЙ ИЖОДИДА ҒАЗАЛ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ



Зариф Омонбоевич ҚУВОНОВ
Ўқитувчи
Ўзбек адабиёти кафедраси
Навоий давлат педагогика институти
Навоий, Ўзбекистон
zarif_1178@mail.ru

Аннотация

Мақолада ўзбек адабиётшунослигида ғазал ва унинг ўрганилиши Алишер Навоий ижоди мисолида тадқиқ этилган. Навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовнинг бу борада амалга оширган ишларига алоҳида муносабат билдирилган.

Калит сўзлар: лирик жанрлар поэтикаси; ғазал; Навоий ижоди; вазн; рамал; мавзу; поэтик хусусият; бадий сўз; китъа; чистон; пароканда; якпора.

ЖАНР ГАЗЕЛИ И ЕГО ИЗУЧЕНИЕ В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВОИ

Зариф Омонбоевич КУВОНОВ
Преподаватель
Кафедра узбекской литературы
Навоийский государственный педагогический институт
Навои, Узбекистан
zarif_1178@mail.ru

Аннотация

В статье анализируется жанр газели, его поэтические особенности, история и развитие этого жанра в исследованиях, посвященных творчеству великого поэта Алишера Навои. Особое внимание уделяется научным трудам ученого-навоиоведа Абдукадыра Хайитметова по этому направлению.

Ключевые слова: поэтика лирических жанров; газел; творчество Навои; троп; рамал; тема; поэтические особенности; художественное слово; двустиишие; чистон; пароканда; якпора.

GAZELLE AND ITS INVESTIGATION IN NAVOI'S WORKS

Zarif Omonboyevich KUVONOV
Teacher
Uzbek Literature Department
Navoi State Pedagogical Institute
Navoi, Uzbekistan
zarif_1178@mail.ru

Abstract

In this article there are given comments on ghazal genre in Uzbek literature and its poetic features, history, development as well as study in investigation related to Navoi' works. Special

concerns are given to the research by Abduqodir Hayitmetov who surveyed Navoi's works.

Keywords: poetry of lyric genres; gazelle; Navoi's works; rhythm; ramal; theme; poetic feature; literary word; middle; parokanda; yakpora.

Мумтоз ўзбек адабиётида лирик жанрлар тарихи ва поэтикасига қизиқиш, уни тадқиқ этиш ўтган асрнинг 60-йилларига келиб анча жонланди. Айниқса, Шарқ адабиётида кенг ўрин тутган ғазал ва унинг поэтик хусусиятлари, ўзбек адабиётидаги аҳамияти масаласини Ойбек (7, 3–12), М. Шайхзода (12, 10–16), О. Шарафиддинов (14, 51–56), Н. Маллаев (3, 128–148) ва А. Ҳайитметов (9, 295) каби адабиётшунослар ўрганишни бошлаган бўлсалар, кейинчалик О. Носиров (5, 136) ва Р. Орзибеков (8, 119) бу борада махсус тадқиқотлар ишларини олиб бордилар. Ушбу тадқиқотларда лирик жанрлар, хусусан, ғазал ҳақида у ёки бу санъаткорнинг адабий фаолияти билан боғлиқ ҳолда муҳим назарий фикрлар баён этилди.

Алишер Навоий ижодининг адабий тур ва жанрлар ривожидида тутган ўрнини ўрганиш ҳамда ёритиш, шубҳасиз, адабиёт тарихи ва адабиёт назариясининг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Навоийнинг ғазалга эътибори ва муҳаббати шу даражада кучли эдики, у ўз давридаги девон тузиш анъаналаридан чекиниб, девонларини қасида билан эмас, балки ғазал билан бошлайди. Шунинг ўзи ҳам шоир ижодида ғазалнинг етакчи ўрин тутганлигини белгилайди. Адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов ўзининг “Навоий лирикаси” асарида шоир ғазаллари таҳлиliga киришар экан, масалани ўзбек ғазалчилигининг тараққиёт принципларини ўрганишдан бошлайди ва уни форс-тожик ғазалчилиги билан қиёсий-типологик жиҳатдан солиштиради. Ғазал мавзуси, ҳажми, композицияси, матлаъ ва мақтаси, таҳаллуснинг қўлланиши, образлар тизими, лирик чекиниш, радиф каби масалалар тадқиқи Навоий ғазаллари таҳлиliga йўл очади. Унинг бу тадқиқ йўналиши Н. Маллаевнинг “Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожидида Навоийнинг роли ҳақида”ги (3, 128–148) мақоласида ҳам илгари сурилганини кўриш мумкин. Н. Маллаев ҳам ғазалга берилган энг мукамал таъриф сифатида ҳиндистонлик адабиётшунос Қабул Муҳаммаднинг “Ҳафт Қулзум” асаридаги фикрни келтиради. Қабул Муҳаммаднинг ғазалга берган бу таърифи О. Носиров ва Р. Орзибековнинг ишларида ҳам келтирилган. Н. Маллаев ҳам ғазал жанрининг такомили ва ривожига ижтимоий ҳолат сабаб бўлганлигини далиллаб, Е. Бертельс (2, 269) ва А. Мирзоевнинг (9, 46) бу борадаги қарашларига қўшилади. Шунингдек, олим ғазалнинг пайдо бўлиши ва ривожидида халқ оғзаки ижодининг бадий-поэтик манба бўлиб хизмат қилганлиги, “туркий” деб юритилган халқ қўшиқларининг вазнидан (рамали мусаммани мақсур) ғазалларда кенг фойдаланилганлиги ҳамда

Навоийнинг ғазални ҳаётини эҳтиёж ва талабларга янада яқинлаштирганлигини мисоллар билан далиллайди. Бу тезис ҳам А. Ҳайитметов қарашларига ҳамоҳанг. Буни олимнинг “Ўзбек ғазалчилигида эса рамал баҳри тармоқлари катта ўрин эгаллаган эди. Рамал баҳри билан ўзбек халқ оғзаки шеърини вазнлари, яъни бармоқ вазни ўртасида катта яқинлик бўлиб, ўзбек шоирларига бу баҳрда, хусусан, рамалнинг рамали мусаммани маҳзун ёки мақсур вазнларида ғазал ёзиш энгил ва ўзбек тили хусусиятлари билан боғлиқ эди” (9) деган мулоҳазасидан ҳам билса бўлади. Р. Орзибеков ҳам ғазални “халқ лирик кўшиқлари ҳамда мусиқий санъат билан мустаҳкам алоқада тараққий этган”лигини (8) қайд этади.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий ғазалларини таҳлил қилар экан, улар композициясида унчалик ҳам кўзга ташланавермайдиган ички аломатларни белгилаб беради. Булар: *а) бир мавзудаги ғазаллар; б) кўп мавзули ғазаллар; в) лирик чекинликлар учрайдиган ғазаллар; г) композициясини лирик характер бошқарадиган ғазаллар.*

Ғазал поэтикасини қиёсий тадқиқ этишда А.Ҳайитметов энг кўп мурожаат қилган илмий манба, бу – тожик адабиётшуноси Абдуғани Мирзоевнинг “Рудакий ва X–XV асрларда ғазал тараққиёти” асаридир. Мазкур асарда Рудакий, Санойи, Аттор, Румий, Саъдий Шерозий, Ҳофиз ғазаллари поэтикаси таҳлили мисолида А. Мирзоев форс-тожик ғазалчилигининг тараққиёт тамойилларини илмий-назарий асослар орқали очиб беради. Муаллиф Шиблий, Сайидо Нафисий, Е. Бертельс, Зебихулло Сафо сингари адабиётшунослар билан баҳсга киришиб, ғазалнинг келиб чиқиши, таркиби ва ривожланишига оид қатор масалалар бўйича муайян хулосаларга келади (4, 71). Олим Шарқ адабиётида ғазал ва унинг поэтикаси, тарихий тараққиёт босқичларини ўрганишда: ғазал тарихи, унинг ҳажми ва тузилиши масаласи, ғазал вазни, ғазалда таҳаллус қўллаш ва ғазал композицияси каби масалаларни тадқиқ этади.

Абдуғани Мирзоевнинг ғазал тарихи ва назариясига оид айрим қарашлари билан Ҳайитметов мунозарага киришса-да, унинг илмий концепциясини, асосан маъқуллайди. Ҳофиз ғазалларига таяниб, А. Мирзоев ғазалда байтларнинг ўзаро боғланганлиги, бу – ғазалнинг асосий ижобий хусусияти деган хулосага келса, А. Ҳайитметов кўпгина форс-тожик ва ўзбек шоирларининг ғазаллари таҳлили мисолида бунинг типик ҳодиса эмаслигини исботлайди. Жумладан, ғазалнинг композицион яхлитлигини сақлашда унинг матлаъ, мақтаъ, қофия, радиф, тасвирий ифодалари ҳам муҳим ўрин тутишини таъкидлаган адабиётшунос шундай дейди: “Навоий даврида ғазалнинг матлаиға катта эътибор берилган. Навоий ҳам ўз ижодида шу анъанага амал қилган. Масалан, “Мажолис ун-

нафоис” асарида ўзига замондош бўлган 350дан ортиқ шоирнинг ҳаёти ва ижодига тўхталиб, уларнинг ғазалларидан матлаъларинигина мисол қилиб келтиради ҳамда ғазалларига ва шоирлик маҳоратига шу матлаъларга қараб баҳо беради” (9).

Алишер Навоий ғазалларини Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Лутфий, Саккокий шеърлари билан қиёсий ўрганиш асосида олим туркий адабиётда ғазал жанрининг ўзига хос тараққиёт тамойилларига оид муҳим хулосаларга келади. А.Ҳайитметовнинг кузатишига кўра, Навоийнинг турли жанрлардаги асарларида лирик ҳиссиёт турлича воситалар билан ифодаланганлиги, муаммоларда киноя, чистонларда юмор, қитъа ва фардларда дидактика, яъни панд-насихат устунлик қилганлиги мисоллар билан кўрсатилади (9,36).

Шунингдек, адабиётшунос Навоий лирикаси жанрлари тадқиқи доирасида унинг тарихи, ўзига хос хусусиятлари тўғрисида атрофлича мулоҳаза юритган. Жумладан, ғазал, мухаммас, мустазод, мусамман жанрлари мавзу жиҳатидан ҳам, шакл хусусиятлари жиҳатидан ҳам бир-бирига яқинлигини қайд этар экан, уларнинг деярли ҳаммаси ғазалдан ўсиб чиққан, кенгайтирилган деган илмий-назарий хулосага келади (9, 67). Бу қараш кейинчалик О. Носировнинг «Ўзбек адабиётида ғазал» китобида мазкур фикрлар орқали давом эттирилади: “Қасидадаги мадх, рубоийдаги фалсафа, май ва риндона кайфиятлар, туюқнинг бадий баркамоллиги, таржибанд ва таркиббанддаги ҳаёт тўғрисидаги чуқур мулоҳаза ва тафаккур қитъа, фардлардаги дидактика, муаммолардаги киноя, чистонлардаги ҳажв ва юмор– буларнинг ҳаммаси ғазалда мужассамлашгандир” (5,12).

Турк адабиётшуноси Огоҳ Сирри Леванд 1941 йили чоп этилган “Деван адабиёти” китобида мустазод шеърини шаклининг қадим араб халқ кўшиқларида учрашини ёзган. Абдуқодир Ҳайитметов “Мезон ул-авзон” маълумотларига таяниб, бу вазндаги шеърларнинг ҳам туркий халқлар орасида пайдо бўлганлигини ва тарқалганлигини уқтирар экан, Огоҳ Сирри Леванд қарашларига эътироз билдиради. Унинг фикрича, мухаммас ғазалнинг бир байтини беш мисрага, мусаддас олти мисрага, мусамман саккиз мисрага кўпайтирилгани, тўғрироғи, ғазал мавзу доирасини янада тўлароқ, атрофлича очиш учун кенгайтирилган шакллари (9,67).

Ўзбек адабиётшунослигида ғазал жанрига доир тадқиқотларда Навоий ижодиёти асос қилиб олиниши бежиз эмас. “Навоий девонининг асосий организини ғазал ташкил қилар экан, шоиримизнинг бадий приёмлари ва маҳорати ҳам бу жанрда яққолроқ ва типикроқ бўлиб изҳор қилинган” (13, 240).

Навоий ғазалиёти текширилганда тадқиқотчилар асосан қуйидаги жиҳатларни ўрганишни мақсад қилиб оладилар: а) Лутфий, Атойи, Саккокий, Амирий ва бошқа ижодкорлар Навоийгача ўзбек ғазалчилигида етакчи ўрин тутган бўлса, Навоийнинг биринчи навбатда улар ютуқларига суяниб, ўзбек ғазалчилигини жаҳон адабиёти миқёсида юксак чўққига кўтарганлиги; б) ғазал ва Навоий ғазалиётига халқ оғзаки ижодининг таъсири масаласи; в) ғазалнинг композицион жиҳатдан тузилиши (пароканда, якпора) масаласи; г) ғазалнинг мавзу хусусиятлари ва бошқалар. Яна энг кўп эътибор қаратилган жиҳат, бу – мавзу масаласи. Навоийнинг фикрича, ғазалнинг етакчи мавзуси “дард ила сўз” (яъни, ишқ ва ишқ оташи)дир. Ойбек бу ҳақда: “Навоийнинг минглаб ғазалларини кўздан кечиргандан сўнг улар учун энг характерли кайфият ишқий ҳиссиёт эканлиги англашилади. Шоирнинг ягона илҳом манбаи ишқдир” (7, 3–12) деб ёзса, А. Ҳайитметов: “Гарчи Шарқ поэзияси тарихида биз сатирик, фалсафий, автобиографик ғазалларни, табиат, май ҳақидаги ғазалларни учратсак ҳам, лекин ғазалнинг асосий специфик мавзуси – ишқдир. Буни фақат ғазал назариячиларининг фикригина эмас, балки шу нарсанинг юз йиллик тараққиёт тажрибаси ҳам кўрсатиб туради” (9, 56) деб таъкидлайди. Ғазалшунос О. Носиров А. Ҳайитметовнинг Навоий ғазалларини ишқий, тасаввуфий, май, сатирик, фалсафий, ватанпарварлик ва пейзаж каби турлари мавжуд деган фикрига қўшилиб, ўзбек ғазалиётининг XV асрдан кейинги тараққиёти ва такомилдан келиб чиққан ҳолда, уни ошиқона, фалсафий (орифона), сатирик ва юмористик, ахлоқий-таълимий (дадактик), пейзаж, риндона ҳамда публицистик ғазал турларига ажратади. Бунга Р. Орзибеков ҳам қўшилади. Лутфий ва Навоий ижодида ғазалнинг мавзу-мундарижаси кенгайиб, ижтимоий ҳаёт воқеалари, фалсафий, ахлоқий-таълимий ғояларнинг ғазалларда ўринлашуви бу жанр имкониятлари кенглигини кўрсатиб берди. Ўрганилган тадқиқотларда бу даврда сатирик-юмористик ғазаллар пайдо бўла бошлагани, ўзбек мумтоз адабиётида дастлабки ҳажвий ғазалнинг муаллифи, ҳажвий ғазалнинг асосчиси ҳам Навоий эканлиги айтилади (3,145).

Кўринадики, Шарқ адабиётида ғазал ва Навоий ижодида унинг тутган ўрнига доир юқорида кўриб ўтилган тадқиқотларда тасаввуфий қарашларга ҳамда риндона мавзудаги ғазалларга тўхталмаган. Бунга XX асрнинг 80-йилларига қадар тасаввуфга “зарарли”, “идеалистик”, “мистик”, “хукмдорлар манфаатига хизмат қилган” таълимот сифатида қараб келинганлиги сабабдир. Шу боис тадқиқотчилар Навоий асарларини бу таълимотга алоқасиздек талқин қилишга ҳаракат қилганлар. Абдуқодир Ҳайитметов ҳам Алишер Навоий шеърини унинг диний, тасаввуфий, дунёвий-фалсафий қарашлари синтези

маҳсули эканлигини тўғри эътироф этади. Талқинда эса кўпроқ дунёвий мазмун акс эттирилган ғазалларга кенг ўрин беради.

Ғазал ва унинг ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиши бораси кейинги йиллари ҳам кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Навоийшуносликда қўлга киритилган ютуқлар келгуси ишлар учун замин бўлаётгани айни ҳақиқат. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, жамият ҳаётидаги туб ўзгариш ва эркинлик туфайли Навоий асарлари ўзининг асл талқинини топа бошлади, шоир меросини ўрганишнинг янги уфқлари очилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Асарлар. IV том. – Тошкент, 1965. – Б. 420–467.
2. Бертельс Е.Э. Навои. Опыт творческой биографии. – М. 1948. – 269 с.
3. Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожига Навоийнинг роли ҳақида. Навоийга армуғон (Тўплам). – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 128–148.
4. Мирзоев А. М. Рудаки и развитие газели в X–XV вв. – Душанбе: Таджикгосиздат, 1958. – 71 с.
5. Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 136 б.
6. Носиров О. Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърини жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 152 б.
7. Ойбек. Навоий ғазалиёти // «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали. – Тошкент, № 2. 1961. – Б. 3–12.
8. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Тошкент: Фан, 1976. – 119 б.
9. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Фан, 1961. – 295 б.
10. Ҳаққул И. Қитъа ва ғазал муносабатига доир // [http:// e-adabiyot.uz/ adabiyotshunoslik /sheriyat/ 840-maqola. html](http://e-adabiyot.uz/adabiyotshunoslik/sheriyat/840-maqola.html)
11. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент, 2007. – 336 б.
12. Шайхзода М. Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари (Тўплам). – Тошкент, 1959. – Б.10–16.
13. Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. 4-том. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 327 б.
14. Шарафиддинов О. Алишер Навоий поэтикасининг баъзи хусусиятлари ҳақида// «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали. – № 4. – 1968. – Б. 51–56.